Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн ракатни ёдлаб олдим

Ибн Умар разияллоҳу анҳумо айтадилар: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн ракатни ёдлаб олдим: Икки ракат пешиндан олдин, икки ракат ундан кейин, икки ракат шомдан кейин, икки ракат хуфтондан кейин уйларида, бомдоддан олдин икки ракат ва у соатда Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига кирилмас эди. Агар бомдод вақти кириб азон айтса, икки ракат намоз ўқишларини Ҳафса менга айтиб берди». Бошқа бир лафзда: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума намозидан кейин икки ракат ўқир эдилар».

[Саҳиҳ] [Бутун ривоятларда Му]

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн ракатни ёдлаб олганларини баёнлаб бермоқдалар. Уларга равотиб суннатлар дейилади. Пешиннинг фарзидан олдин ва ундан кейин икки ракатдан, шом фарзидан сўнг уйларида икки ракат, ҳуфтон фарзидан кейин ҳам уйларида икки ракат, бомдод фарзидан олдин икки ракат. Шундай қилиб ўн ракат тамомланди. Жума намозидан кейин ҳам икки ракат.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3062